Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 242 (6. 731) 1988 йил 22 октябрь, шанба Баҳоси 3 тийин

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 20 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилга мўлжалланган Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқиб маъқуллади, бу лойиҳаларни ҳукумат Сиёсий бюронинг 6 октябрда бўлиб ўтган мажлисидаги муҳокама чоғида, шунингдек, СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларида план ва бюджетни таҳлил этиши вақтида айтилган мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олиб тўлдириб чиққан.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 71 йиллигига бағишланган чақириқлари тасдиқланди. Чақириқ тексти матбуотда эълон қилинади.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси СССР Министрлар Советида «СССРдаги ихтирочилик фаолияти тўғрисида»ги СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Айни вақтда ихтирочилик соҳасида ҳозир амал қилиб турган қонунлар ихтирочиларнинг ижодий имкониятларини кучайтиришдан ва улар яратган ишланмаларни рўёбга чиқаришдан корхоналарнинг ва меҳнат коллективларининг иқтисодий манфаатдорлигини таъминламаётганлиги уқтириб ўтилди. Бу эса фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан халқ хўжалигида кенг миқёсда фойдала-

(Давоми учинчи бетда).

*СССР Олий Совети Президиумининг қарори*

## СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонунининг лойиҳалари тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонунининг КПСС Марказий Комитети томонидан СССР Олий Советига тақдим этилган лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилсин. СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳаси марказий, республика, ўлка, область газеталарида 1988 йил 22 октябрь куни ва СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳаси 23 октябрь куни эълон қилинсин.

2. СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларига мазкур лойиҳаларнинг умумхалқ муҳокамаси чоғида тушган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, тегишли таклифларни киритиш топширилсин.

3. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумлари республикаларда қонунларнинг лойиҳалари юзасидан халқ депутатлари, гражданлар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари томонидан киритилган, шунингдек, оммавий ахборот воситалари томонидан тақдим этилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиришни ташкил этсинлар.

4. Марказий матбуот органлари, телевидение ва радио Қонун лойиҳалари юзасидан ўзларига тушган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштирсинлар.

5. СССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаларига оид таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш материаллари СССР Олий Совети Президиумига 1988 йил 25 ноябрга қадар беш кунда бир марта тақдим этилади.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**М. ГОРБАЧЕВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль
1988 йил 21 октябрь.

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

## ҚОНУНИ

## СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Социалистик демократияни, халқнинг ўзини-ўзи бошқаришини ривожлантириш, сайлов системасини, халқ депутатлари Советлари ҳамда суд органлари структураси ва фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

1. СССР Конституциясига қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 12-боб қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

### «12-БОБ

### Халқ депутатлари Советлари системаси ва фаолиятининг принциплари

**89-модда.** Халқ депутатлари Советлари СССР халқ депутатлари съезди ва Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикалар халқ депутатлари съездлари ва Олий Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари — ўлка, область, автоном область, автоном округ, район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советлари — давлат ҳокимияти ваколатли органларининг ягона системасини ташкил этади.

**90-модда.** Халқ депутатлари Советларининг ваколат муддати — беш йил.

Халқ депутатлари Советларига сайлов тегишли давлат ҳокимияти органлари ваколат муддати тугашидан камида тўрт ой илгари тайинланади.

**91-модда.** Умумиттифоқ республика ва маҳаллий аҳамиятга молик энг муҳим масалалар халқ депутатлари съездларининг мажлисларида, Олий Советлар ва маҳаллий Советларнинг сессияларида ҳал қилинади.

Халқ депутатларининг съездлари Олий Советларни ва Олий Советларнинг Раисларини сайлайди, маҳаллий Советлар Советларнинг раисларини сайлайди. Олий Советлар ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари (посёлка ва қишлоқ Советларидан ташқари) ўз Президиумларини тузадилар.

Халқ депутатлари Советлари доимий комиссияларни ташкил этадилар, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларни, шунингдек, ўзларига ҳисоб берадиган бошқа органларни тузадилар.

Халқ депутатлари Советлари сайлайдиган ёки тайинлайдиган мансабдор шахслар ўз лавозимларини сурункасига икки муддатдан ортиқ эгаллай олмайдилар.

**92-модда.** Халқ депутатлари Советлари давлат контролини корхоналар, муассасалар, давлат, кооператив ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардаги меҳнаткашларнинг жамоат контроли билан уйғунлаштирувчи халқ контроли органларини тузадилар.

Халқ контроли органлари Қонун талабларининг, давлат программалари ва топшириқларининг бажарилишини контрол қиладилар; давлат интизомини бузишга, маҳаллийчиликка, ишга маҳкамачилик назари билан ёндашиш кўринишларига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка, сансалорлик ва бюрократизмга қарши курашадилар; бошқа контрол органларининг ишини мувофиқлаштириб турадилар; давлат аппарати структураси ва ишини такомиллаштиришга кўмаклашадилар.

**93-модда.** Халқ депутатлари Советлари давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларига бевосита ёки ўзлари тузган органлар орқали раҳбарлик қиладилар, қарорлар қабул қиладилар, уларнинг ижросини таъминлайдилар, қарорларнинг амалга оширилишини контрол қиладилар.

**94-модда.** Халқ депутатлар Советларининг фаолияти масалаларни коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларнинг, Советлар тузадиган бошқа органларнинг Советларга ва аҳолига мунтазам ҳисоб бериб туриши, уларнинг ишига гражданларни кенг кўламда қатнаштириш асосида қурилади.

Халқ депутатлари Советлари ва улар тузадиган органлар жамоатчилик фикрини ҳисобга оладилар, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик энг муҳим масалаларни гражданларнинг муҳокамасига қўядилар, ўз ишлари ва қабул қилинган қарорлар ҳақида гражданларни мунтазам хабардор қилиб турадилар».

2. 13-боб қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

### «13-БОБ

### Сайлов системаси

**95-модда.** Халқ депутатларини сайлаш бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округларида умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Бундан ташқари, СССР Конституциясида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларида белгилаб қўйилган нормаларга мувофиқ СССР халқ депутатларининг, иттифоқдош ва автоном республикалар халқ депутатларининг учдан бир қисми жамоат ташкилотларидан — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, касаба союзлари, кооператив ташкилотлар, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи, хотин-қизлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, илмий ходимларнинг бирлашмалари, ижодий союзлар ҳамда Қонунда белгилаб қўйилган тартибда тузилган ва Умумиттифоқ ёки республика органларига эга бўлган бошқа жамоат ташкилотлари ва СССР гражданларининг бирлашмаларидан сайланади. Жамоат ташкилотларидан халқ депутатларини сайлаш уларнинг съездларида, конференцияларида ёки уларнинг Умумиттифоқ ёхуд республика органлари пленумларида ўтказилади.

**96-модда.** Сайлов округларидан халқ депутатларини сайлаш умумийдир: СССРнинг 18 ёшга тўлган гражданлари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Жамоат ташкилотлари съездларининг, конференцияларининг барча делегатлари ёхуд уларнинг Умумиттифоқ ёки республика органлари пленумлари қатнашчилари жамоат ташкилотларидан депутатлар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

18 ёшга тўлган СССР граждани халқ депутатлигига, 21 ёшга тўлган СССР граждани эса СССР халқ депутатлигига сайланиши мумкин.

СССР граждани бир вақтнинг ўзида халқ депутатларининг иккитадан ортиқ Советига депутат бўлиши мумкин эмас.

СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари составига кирувчи кишилар, ана шу органларнинг Раислари, шунингдек, идораларнинг раҳбарлари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларидан ташқари, ўзлари ҳисоб берадиган Советларнинг депутатлари бўла олмайдилар. Судьялар, прокурорлар ва давлат арбитрлари ўз вазифаларини амалга оширадиган территорияда Советларнинг депутатлари бўла олмайдилар.

Суд томонидан руҳий жиҳатдан ожиз деб топилган руҳий касалликка чалинган беморлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар, шунингдек, суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

**97-модда.** Сайлов округларидан халқ депутатларини сайлаш тенгдир: ҳар бир сайлов округидаги сайловчи бир овозга эгадир; сайловчилар сайловда тенг асосда иштирок этадилар.

Жамоат ташкилотларидан халқ депутатларини сайлаш чоғида шу жамоат ташкилоти съезди, конференциясининг ҳар бир делегати ёки пленумнинг ҳар бир қатнашчиси бир овозга эга бўлади ва уларнинг ҳаммаси сайловда тенг асосда иштирок этади.

**98-модда.** Сайлов округларидан халқ депутатлари тўғридан-тўғри сайланади: гражданлар халқ депутатларини бевосита сайлайдилар.

Жамоат ташкилотларидан халқ депутатлари шу жамоат ташкилотларининг съездлари, конференциялари делегатлари ёки уларнинг Умумиттифоқ ёхуд республика органлари пленумлари қатнашчилари томонидан бевосита сайланадилар.

**99-модда.** Халқ депутатлари сайловида овоз бериш яшириндир: сайловчиларнинг ўз истакларини билдиришини контрол қилишга йўл қўйилмайди.

**100-модда.** Халқ депутатлигига сайлов округларидан номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, истиқомат жойларида сайловчилар йиғилишларига ва ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчилар йиғилишларига, жамоат ташкилотларидан халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи эса шу жамоат ташкилотларининг Умумиттифоқ ёки республика органларига берилади, бу органлар қуйи коллективларнинг ва ана шу ташкилотлар аъзоларининг фикрини ҳисобга оладилар.

Халқ депутатларига сайлов ўтказиш чоғида депутатликка номзодлар сони чекланмайди; сайловолди йиғилишининг ҳар бир қатнашчиси муҳокама қилиш учун ҳар қандай номзодни, шу жумладан, ўз номзодини таклиф қилиши мумкин.

Сайлов бюллетенига одатда мавжуд мандатдан кўпроқ миқдорда номзодлар киритилади.

Сайлов округларидан халқ депутатлари сайлови чоғида округдан депутатликка кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш ва тегишли сайлов комиссиясида рўйхатга олиш учун номзодларни тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун округ сайловолди йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

Халқ депутатлари сайловини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлади.

**101-модда.** Сайловга тайёргарлик очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Сайлов ўтказишни меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг вакилларидан, истиқомат жойидаги сайловчилар ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг вакилларидан тузиладиган сайлов комиссиялари таъминлайдилар.

СССР гражданларига, меҳнат коллективларига ва жамоат ташкилотларига депутатликка номзодларнинг сиёсий, ишчанлик ва шахсий хусусиятларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш имконияти, шунингдек, йиғилишларда, матбуотда, телевидение, радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши агитация ўтказиш ҳуқуқи гарантияланади.

Халқ депутатлари сайловини ўтказиш тартиби ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Қонунлари билан белгиланади.

**102-модда.** Сайловчилар ва жамоат ташкилотлари ўз депутатларига наказлар берадилар.

Халқ депутатларининг тегишли Советлари наказларни кўриб чиқадилар, иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш ҳамда бюджетни тузишда уларни ҳисобга оладилар, наказларнинг бажарилишини ташкил этадилар ва наказлар қандай бажарилаётганидан гражданларни хабардор қилиб турадилар».

3. 15-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «15-БОБ

### СССР халқ депутатларининг съезди ва СССР Олий Совети

**108-модда.** СССР давлат ҳокимиятининг олий органи СССР халқ депутатлари съездидир.

СССР халқ депутатлари съезди ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган ҳамма масалаларни кўриб чиқиш учун қабул этишга ва ҳал қилишга ҳақлидир.

Қуйидагилар фақат СССР халқ депутатлари съездининг ихтиёрига берилади:

1) СССР Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартишлар киритиш;

2) СССРнинг состави масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш; иттифоқдош республикалар составида янги автоном республикалар ва автоном областлар тузилганлигини тасдиқлаш;

3) СССР давлат чегарасини белгилаш; иттифоқдош республикалар ўртасидаги чегаралар ўзгарганлигини тасдиқлаш;

4) СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

5) СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқбол давлат планларини ҳамда энг муҳим умумиттифоқ программаларини тасдиқлаш;

6) СССР Олий Советини сайлаш;

7) СССР Олий Советининг Раисини сайлаш;

8) СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосарини сайлаш;

9) СССР Министрлар Советининг Раисини тасдиқлаш;

10) СССР Халқ контроли комитетининг раисини, СССР Олий судининг раисини, СССР бош прокурорини, СССРнинг бош давлат арбитрини тасдиқлаш;

11) СССР Конституцион назорат комитетини сайлаш;

12) СССР Олий Совети иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органларининг қонун актлари СССР Конституциясига мувофиқ келмаган тақдирда уларни бекор қилиш;

13) Умумхалқ овоз бериши (референдуми) ўтказиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

СССР халқ депутатларининг съезди СССР қонунларини ва қарорларни СССР халқ депутатлари умумий сони кўпчилик овози билан қабул этади.

**109-модда.** СССР халқ депутатларининг съезди 2250 депутатдан иборат бўлади, депутатлар қуйидаги тартибда сайланади:

750 депутат сайловчиларнинг сони тенг бўлган территориал сайлов округларидан сайланади;

750 депутат миллий-территориал сайлов округларидан қуйидаги нормаларга биноан: ҳар бир иттифоқдош республикадан 32 депутат, ҳар бир автоном республикадан 11 депутат, ҳар бир автоном областдан 5 депутат ва ҳар бир автоном округдан бир депутат сайланади;

750 депутат — умумиттифоқ жамоат ташкилотларидан қуйидаги нормаларга биноан: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, касаба союзлари, кооператив ташкилотларнинг ҳар биридан — 100 депутат; Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар союзи, хотин-қизлар уруш ва меҳнат ветеранлари, илмий ходимлар, ижодий союзлар бирлашмаларининг ҳар биридан 75 депутат; қонунда белгиланган тартибда тузилган ва умумиттифоқ органларига эга бўлган СССРнинг бошқа жамоат ташкилотлари ва гражданларнинг бирлашмаларидан 75 депутат сайланади.

**110-модда.** СССР халқ депутатларининг съезди ўзининг биринчи мажлисига сайловдан кейин кечи билан икки ойдан кейин чақирилади.

СССР халқ депутатларининг съезди ўзи сайлаган мандат комиссиясининг тақдимига биноан депутатларнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида, сайлов тўғрисидаги қонунлар бузилган тақдирда эса айрим депутатларнинг сайланишини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида қарор қабул қилади.

СССР халқ депутатларининг съездини СССР Олий Совети чақиради.

Съезднинг навбатдаги мажлислари йилига бир марта ўтказилади. Навбатдан ташқари мажлислар СССР Олий Советининг ташаббусига биноан, СССР Олий Совети палаталаридан бирининг, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Олий Совети Раисининг, СССР халқ депутатлари камида бешдан бир қисмининг таклифига мувофиқ ёки иттифоқдош республика давлат ҳокимияти олий органи орқали иттифоқдош республиканинг ташаббуси билан чақирилади.

СССР халқ депутатлари съездининг сайловдан кейинги биринчи мажлисини Марказий сайлов комиссиясининг раиси, сўнгра эса СССР Олий Советининг Раиси ёки унинг ўринбосари бошқаради.

**111-модда.** СССР Олий Совети — СССР давлат ҳокимиятининг доимий ишлайдиган қонун чиқарувчи, фармойиш берувчи ва контрол қилувчи органидир.

СССР Олий Совети СССР халқ депутатлари орасидан СССР халқ депутатларининг съезди томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади ва унга ҳисобот бериб туради.

СССР Олий Советининг состави сон жиҳатдан тенг бўлган икки палатадан; Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан иборат бўлади. СССР Олий Советининг палаталари тенг ҳуқуқлидир.

Палаталар СССР халқ депутатларининг съездида депутатларнинг умумий овоз бериш йўли билан сайланади. Иттифоқ Совети территориал сайлов округларидан сайланган СССР халқ депутатлари орасидан ҳамда жамоат ташкилотларидан сайланган ва тегишли округлар территориясида ишлайдиган ёки яшайдиган СССР халқ депутатлари орасидан сайланади. Миллатлар Совети миллий-территориал сайлов округларидан сайланган СССР халқ депутатлари орасидан ҳамда жамоат ташкилотларидан сайланган ва тегишли республикалар ёки миллий тузилмалар территориясида ишлайдиган ёки яшайдиган СССР халқ депутатлари орасидан қуйидаги нормаларга биноан сайланади: ҳар бир иттифоқдош республикадан 7 депутат, ҳар бир автоном республикадан 4 депутат, ҳар бир автоном областдан 2 депутат ва ҳар бир автоном округдан бир депутат.

СССР халқ депутатларининг съезди ҳар йили Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети составини бешдан бир қисмигача янгилайди.

СССР Олий Советининг ҳар бир палатаси палатанинг раисини ва унинг икки ўринбосарини сайлайди. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг раислари тегишли палаталарнинг мажлисларига раҳбарлик қиладилар ва уларнинг ички тартибини бошқарадилар.

Палаталарнинг қўшма мажлисларини СССР Олий Советининг Раиси, унинг биринчи ўринбосари ёки навбатма-навбат Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг раислари олиб борадилар.

**112-модда.** СССР Олий Совети ҳар йили СССР Олий Совети Президиуми томонидан навбатдаги — баҳорги ва кузги сессияларга, қоида тариқасида, ҳар бири уч-тўрт ой муддатга чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар СССР Олий Совети Президиуми томонидан ўз ташаббуси билан ёки СССР Олий Совети Раиси, иттифоқдош республика давлат ҳокимиятининг олий органи орқали иттифоқдош республикалардан бирининг, ёки бирор палата депутатларидан камида учдан бир қисмининг таклифига биноан чақирилади.

СССР Олий Советининг сессияси палаталарнинг алоҳида-алоҳида ва қўшма мажлисларидан, шунингдек шу мажлислар ўртасидаги даврда ўтказиладиган палаталар доимий комиссияларининг ва СССР Олий Совети комитетларининг мажлисларидан иборат бўлади. Сессия палаталарнинг алоҳида-алоҳида ёки қўшма мажлисларида очилади ва ёпилади.

СССР халқ депутатлари съездининг ваколатлари тугагач, янгидан сайланган СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советининг янги составини тузгунга қадар СССР Олий Совети ўз ваколатларини сақлаб қолади.

**113-модда.** СССР Олий Совети:

1) СССР халқ депутатлари сайловини тайинлайди ва Марказий сайлов комиссиясининг составини тасдиқлайди;

(Давоми иккинчи бетда).

